

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Тешабоев А.Э - Андижон машинасозлик институти ректори,
т.ф.н.,доц., Парпиев О.А.-т.ф.н., Мирзалимов У.А., Бойкишиева Д.

ISO/TS 16949:2009 сифат менежмент тизими ISO 9001:2008 ни автомобиль саноати ва тегишли бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларда қўллаш бўйича махсус талабларга тўхталиб ўтамиз. ISO/TS 16949:2009 ISO 9001 стандарти асосида ишлаб чиқилган ва автомобиль саноати маҳсулотларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатишга тегишли сифат менежменти тизимига бўлган талабларни белгилаб беради.

Ушбу стандарт Автомобиль саноати Халқаро мақсадли гуруҳи (IATF) ва Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи ассоциацияси (JAMA) томонидан ISO/TS 176 “Сифат менежменти ва сифат таъминоти” халқаро стандартлаштириш ташкилоти техник қўмитасининг қўллаб-қувватлаши асосида ишлаб чиқилган.

ISO/TS 16949:2009 автомобиль саноатининг жиҳозлари ва бутловчи қисмлари (уларда бевосита узеллар, бутловчи қисмлар, жиҳозлар ишлаб чиқарилувчи ишлаб чиқариш майдонларига ҳамда ёрдамчи хизмат кўрсатувчилар: конструкторлик бюроси, маъмурий бўлинмалар, дистрибьюторлик марказлари ва х.к. ларга) етказиб бериш ва ишлаб чиқариш занжиридаги барча ташкилотларга қўлланилади.

Сизнинг корхонангизда ISO/TS 16949:2009 ни тадбиқ этишнинг афзалликларига қуйидагилар мисол бўла олади:

- нуқсонлар ва номувофиқликлар пайдо бўлиш эҳтимолининг пасайиши;
- корхонада хизмат кўрсатишлар ва маҳсулот етказиб бериш сифатининг ортиши;

- пировардида иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши;
- ички бошқарув самарадорлигининг ортиши;
- корхона имиджи, унинг ва маҳсулотлари обрўсининг истеъмолчилар кўз ўнгида ортиб бориши, пировардида корхона рақобатбардошлигининг ортиши;

- хизмат кўрсатиш ва маҳсулот етазиб бериш тендерларидаги афзаллик;

- корхонангизнинг халқаро бозорга чиқиш имкониятларининг ортиши;

- банк кредитларини олиш имкониятларининг ортиши.

ISO/TS 16949:2009 ни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва сертификатлашнинг асосий босқичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ISO/TS 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ корхонангизнинг сифат менежмент тизими диагностик аудитини ўтказиш;

- ISO/TS 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда иштирок этаётган корхонангиз ходимларини ўқитиш;

- ISO/TS 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежмент тизимини тадбиқ этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар режасини ишлаб чиқиш;

- ISO/TS 16949:2009 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими ички аудитларини ўтказиш;

- ISO/TS 16949:2002 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежмент тизими фаолият кўрсатишининг таҳлилини амалга ошириш;

- ISO/TS 16949:2002 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежмент тизимини яхшилаш дастурларини ишлаб чиқиш;

- корхонангизни ISO/TS 16949:2002 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежмент тизими сертификациясига тайёрлаш.

Автомобиль саноатида сифат менежменти тизимининг ривожланиши. Автомобилсозлар учун материал, детал ва бутловчи қисмлар етказиб берувчилар сифат менежмент тизимига бўлган талаблар юқорида таъкидланган, Автомобиль саноати Халқаро мақсадли гуруҳи (IATF) ва Япониянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи ассоциацияси (JAMA) томонидан стандартлаш бўйича халқаро ташкилот (ISO) нинг қўллаб-қувватлаши асосида ишлаб чиқилган, ISO/TS 16949:2009 спецификациясида белгилаб қўйилган.

ISO/TS 16949:2009 стандарти ISO 9001:2008 стандартига асосланиб ишлаб чиқилган ва автомобиль деталлари бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида киритилган, бир қатор қўшимча “махсус” талабларни ўз ичига қамраб олган. Бу стандартга мувофиқ пайвандлаш, термик ишлов бериш, бўйаш ва автомобилсозлик учун керакли якуний операцияларни амалга оширувчи компаниялар ҳам сертификатланиши мумкин. ISO/TS 16949:2009 стандартига мувофиқ сертификатланган сифат менежмент тизимлари сони, дунёда ва шу жумладан Ўзбекистонда, кун сайин ортиб бормоқда.

Сертификациялаш жараёни нималардан ташкил топади?

ISO/TS 16949 – IATF эътирофига эришиш қоидалари учун Автомобилсозликда сертификациялаш схемасига биноан сертификациялаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич тайёргарликни баҳолаш, иккинчи босқич эса дастлабки аудит ҳисобланади.

Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтиш учун компания, стандарт талаб қилган тўлиқ ҳужжатлар мажмуасини тақдим этишдан ташқари, энг камида, қуйидагиларни намойиш эта билиши керак:

- сифат менежмент тизимининг жараёнли ёндашувини;
- сўнги ойлардаги жараёнларнинг асосий сермахсуллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари анъанасини;

- жараёнларда ISO/TS 16949:2009 барча талабларининг инобатга олиниси;

- кейинчалик мутасадди раҳбарлар томонидан таҳлили амалга ошириладиган, ички аудит тўла давринг натижаларини;

- истеъмолчиларнинг махсус талабларини;

- рекламациялар (эътирозномалар) бўйича маълумотномаларни.

Иккинчи босқич даврида сифат менежменти тизими жараёнларида стандартнинг барча талабларини бажарилиши текширилади.

Аудит жарёнида қандай муаммоларга кўпроқ дуч келинади?

Биринчи босқич ўтилатганда компаниялар жараёнларнинг самарадорлик ва сермахсуллик мониторинги натижаларини қулай ҳолда тақдим этишга тайёр эмаслар, тегишли мезон ва кўрсаткичларни танлашда қийинчиликларга дуч келадилар. Ички аудит режаларида, кўп ҳолларда, ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулот ва тунги сменаларнинг аудитлари кўзда тутилмаган. Ҳар доим ҳам, келажак маҳсулотлари сифатини режалаштириш ва сифат дастури (APQP), юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар тури ва оқибатлари таҳлили (FMEA), ўлчаш тизими таҳлили (MSA), жараёнларни статистик бошқариш услубиятларини қўллашда ички аудиторларнинг малакавийлигига объектив гувоҳликлар келтирилмайди.

Иккинчи босқич давомида аудиторлар, кўплаб компаниялар томонидан ҳар доим ҳам илк мартадаёқ эришиб бўлмайдиган, жараёнларларни бир меъёрда кечишидан оғишларга тезкор муносабат билдира оладиган, “жонли” менежмент тизимини қуришга умидвор бўладилар. Масалан, агар бирор-бир нуқсонга йўл қўйилган бўлса, FMEA услубияти қўлланилиб, унинг таҳлили амалга оширилиши керак, сўнгра уни бартараф этиш мақсадида бошқарув режалари ҳамда ишчи йўриқномаларга тузатишлар киритиш кўзда тутилиши керак. Бундан ташқари, стандарт талабларидан рухсат этилган четланишлар (масалан,

ISO 9001 бўйича сертификатланмаган маҳсулот ёки хизматларни) истеъмолчи билан, келишиб олинishi зарур.

ISO/TS 16949 га номувофиқ эканлиги аниқланган 100 дан ортиқ маълумотлар базаси, навбатдаги аудитдан кейин мунтазам тўлдириб борилади ва бундай хатоларга келажакда йўл қўймаслик учун хизмат қилади. Юқорида таъкидланганларни амалга оширган компаниялар тузатишлар киритиш соҳасидаги ишларни ҳам муваффақият билан уддалайдилар ва ҳозирги кунда ўз маҳсулотлари учун янгидан янги бозорларни забт этмоқдалар.

Мазкур сертификатлаш истеъмолчиларга қандай афзалликлар беради?

Деталлар ва автобутовчи қисмлар истеъмолчилари автомобиль ишлаб чиқарувчилар, дастлабки жиҳоз тайёрловчилар –Original Equipment Manufacturers (OEM) ҳисобланади. Улар учун етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифат талабларига мослигига, етказиб бериш замиридаги йўқотишлар минималлаштирилишига, етказиб бериладиган маҳсулотнинг белгиланган муддатлари ҳамда хажмларига ва бошқа талабларига риоя қилинишига кафолат керак. OEM учун маҳсулот етказиб берувчилар учун ушбу сертификат қандай афзалликларни тақдим эта олади?

ISO/TS 16949 га мос келадиган сертификатланган менежмент тизимининг мавжудлиги, кўп ҳолларда, шартномалар тузиш, тендерларда қатнашиш, яъни ташқи бозорга чиқиш учун мажбурий талаб ҳисобланади. Бундан ташқари, бу истеъмолчилар томонидан бўладиган аудитлар сони ва ҳажмини қисқартиради, чунки ҳар бир аудит жараёнида, мажбурий тарзда, уларнинг барча ўзига хос талабларининг бажарилиши, батафсил ҳисоботи тақдим этилган ҳолда текширилади.

ISO/TS 16949 автомобиль саноатида OEM ва унга тегишли қисмларни етказиб берувчи ташкилотлар учун сифат менежмент тизимига умумий ёндашувни таъминлайди.